



Хуршида ҚОДИРОВА
филология фанлари номзоди, катта ўқитувчи
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институти
kadirova.golden@yandex.com

ЎЗБЕК ТАСВИРИЙ САНЪАТ АТАМАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА, РУСЧА ВА ИНГЛИЗЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ МУАММО СИФАТИДА

Мақолада атамалар, жумладан, ўзбек тасвирий санъати атамалари луғати борасида амалга оширилган ишлар хусусида қисқача маълумот берилиб, улардаги айрим фарқлар хусусида фикр билдирилган. Адабиётлар муқояса қилиниб, уларнинг бир-бирини тўлдириши асосланган. Муаллиф мазкур атамаларни тўплаб, қайта ишлаб, ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларидаги изоҳли луғатни яратишни таклиф этади.

В статье дается обзор литературы по исследованию терминологии, а также сообщается о работе, проведенной по созданию узбекского терминологического словаря изобразительного искусства, и излагается специфика последнего. Сопоставительный анализ литературы доказывает, что многие термины дополняют друг друга. Автор предлагает объединить, пересмотреть данные термины и создать полный толковый словарь терминов исследуемой области узбекского, русского и английского языков.

The article presents the review of terminology studies as well as work done on the compiling of Uzbek terminological dictionary of art; the problems of their difference are also revealed. Comparative analysis of literature proves the fact that many terms complement each other. The author suggests the idea of combination and revision of these terms and compilation of a complete glossary in Uzbek, Russian, and English.

Калит сўзлар: санъатшунослик атамалари, тасвирий санъат атамалари, амалий санъат атамалари, атамашунослик, терминологик луғат.

Ключевые слова: термины искусствоведения, термины изобразительного искусства, термины прикладного искусства, терминология, терминологический словарь.

Key words: art study terms, art terms, terms of applied art, terminology, terminological dictionary.

Луғатшунослик – луғат тузишнинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи тилшунослик соҳаси. Ўзбек луғатшунослиги катта ютуқларни қўлга киритди. Бугунги кунда “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган маънодош сўзлар(34), зид маъноли сўзлар, сўзларнинг даражаланиши(7), сўз таркиби(16), сўз ясаши, ўзлашма сўзлар(32), сўзлар бирикувчанлиги ўқув луғати, эскирган сўзлар(23), иборалар ўқув луғати(17), ўзбек тилининг этимологик, топонимик, талаффуздош сўзлар ўқув изоҳли луғат(25)лари дунё юзини кўрди. Бу эса она тилини тўлик эгаллашда қўшимча билим манбаи бўлиб хизмат қилиши табиий. Зеро, “...луғатларсиз ижодий тафаккурни ривожлантириш мумкин эмас, оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш воситаси бўлган жорий дарсликлар ўз вазифасини тўла бажара олмайди”(13). Шундай экан, луғатлар таълимнинг маълум бўшлиғини тўлдирди, дея бемалол айта оламиз.

Атамалар луғатлари ҳам дарсликлардаги атамаларнинг нотўғри қўлланилиши, ҳар хилликлар, чалкашликларга йўл қўйилмаслиги учун қўлланма вазифасини ўтайди. Бугунги кунда зарур илмий атамаларни қамраб олган махсус луғатлар ҳам чоп этилиши ривожланмоқда. Хусусан, юридик(36), ҳуқуқий(26) атамалар луғатлари мустақилликдан кейин авж олди. Бу Олий Мажлис Норматив ҳуқуқий атамалар комиссиясининг тузилиши билан боғлиқ бўлиб, қонун тилининг пухта ишланишига қаратилган чора-тадбирлардан бири бўлди. Айниқса, Миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини тўлароқ очишга, мафкуравий тарбияни тўғри ташкил этишга хизмат қиладиган ва шу соҳада тез-тез ишлатиладиган баъзи тушунча, тамойил ва атамаларга қисқача изоҳлар берилган изоҳли тажрибавий луғат(18) Ислом Каримов асарлари асосида тайёрланган бўлиб, унда икки юзга яқин тушунча, тамойил ва атамалар луғатчилиқ амалиётида қарор топган тартибга риоя қилинган ҳолда алфавит тартибида берилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий(35) атамаларнинг ҳам изоҳли луғатларига эҳтиёж сезилди. Ўзлашмалар ва тушунилиши қийин бўлган айрим атамалар ушбу луғатлардан ўрин олди. Шунингдек, биология(6), геология(10), география(19), кимё(11), физика(5), ботаника(3), гидрология(27) “Фармацевтик атамаларнинг русча-ўзбекча луғати”(30) ва бошқа фанлар атамалари луғатларининг пайдо бўлиши олий ўқув юртлари ўқитувчиларига, талабаларга мазкур фанларни чуқурроқ ўзлаштиришларида қўл келди.

Бу борада тарихий атамалар луғати кўпйиллик тажрибага эга десак муболаға бўлмайди. Б. Аҳмедовнинг 1977 йили чоп этилган “Тарихдан қисқача изоҳли луғат”и, Ж. Бекмуҳаммедовнинг 1986 йили нашр этилган “Тарих терминларининг изоҳли луғати” ва ниҳоят, 2002 йили “Тарихий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати”(33) луғатчилиқ ривожидида муҳим аҳамият касб этади.

Аммо тасвирий ва амалий санъат атамалари тилшунос ва санъатшуносларнинг эътиборини йиллар давомида тортиб келаётган бўлса-да, бугунги кунга қадар уларнинг тўлиқ луғат-кўрсаткичини тузиш масаласи очиқ қолган.

Мамлакатимизда тасвирий санъат атамалари луғатлари борасида муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, 1991 йили нашр этилган С. С. Булатовнинг “Ганчкорлик, наққошлик ва ёғоч ўймакорлиги атамаларига оид изоҳли луғат”и(8) бунга яққол далил бўла олади. Муаллиф тажрибали усталар, санъатшунослик, тилшунослик мутахассиларининг атамаларни тўплаш, ўрганиш, тадқиқ этиш ҳақидаги фикрларини инобатга олиб, ҳар хил адабиётлар, мақолалар, архив манбалари билан танишган ҳолда ўзи тўплаган халқ амалий безак санъатида учрайдиган атамаларнинг маъноларини тушунтириб беришга интилган. Аҳамиятли томони шундаки, мазкур луғатда атамалар алфавит тартибида берилган бўлиб, чизмалар билан бойитилган. Ушбу адабиёт устоз-шогирд анъанасига мувофиқ равишда фақат тор доирадаги таълим муассасаларидагина ташкил этилган наққошлик, ганчкорлик ва ёғоч ўймакорлиги тўгаракларининг раҳбарлари ҳамда аъзолари учун мўлжалланган атамаларнинг муфассал изоҳли луғатидир.

1997 йилда нашр этилган санъатшунос А. Умаров ҳамда М. Аҳмедов ҳаммуаллифлигида “Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати”(29) номли тасвирий санъат мактаби ўқувчилари ва бадиий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган адабиёт ҳам бу йўлдаги тажриба қадамлардан бири ҳисобланади. Муаллифлар мазкур луғатни тузишда атамаларнинг айнан таржимасини берибгина қолмай, унинг ўзбекона атамаларини топишга ҳаракат қилиб кўришган. Зеро, аксарият тасвирий санъат атамалари рус маданияти орқали кириб келган ўзлашма сўзлардан иборат. Ўрни билан айрим туркий сўзлардан фойдаланилган. Масалан, алфавит тартибида берилаётган сўзларнинг “Ч” қисмида фақатгина иккита сўз: ЧИТГАРЛИК (чит ишлаб чиқариладиган соҳа) ва ЧИНКВЕНЧЕНТО (Италия уйғониш даврининг юксак босқичи, XV асрда шундай деб аталган) атамаси келтирилган. С.Булатовнинг изоҳли луғатида эса:

ЧАКИЧ ЗАМИН

ЧАРХИЙ ГУМБАЗ

ЧАСПАК ДАСТАРРА

ЧАШМИ БУЛБУЛ ЗАНЖИРА

ЧЕКМА

ЧЕКМА ИСКАНАЛАР

ЧИЗМА ПАРДОЗ

ЧОКА ПАРДОЗ

ЧАПУ РОСТ ТАҚСИМ**ЧОРБАРГ**

каби атамалар тўлиқ изоҳлари қайд этилган. Ва аксинча, С. Булатовнинг изоҳли луғатида “Ц” қисмида ҳеч қандай сўз келтирилмай, А. Умаровнинг изоҳли луғатида ягона ЦИНКОГРАФИЯ (цинкка ўйиб ишланган ва ундан олинган босма тасвир) атамаси ўз аксини топади. Бу ҳам ўзбек тили ҳарфлар тизимида мавжуд бўлмаган ҳарф бўлганлиги, шунинг натижасида, шу ҳарф билан бошланувчи нутқий birlikларнинг йўқлиги сабабли миллий тасвирий санъат атамалари қаторидан ўрин олмаганлиги билан изоҳланади.

Ва ниҳоят, XXI аср бошига келиб тасвирий ва амалий санъат атамаларининг муфассалроқ изоҳли луғати(21) дунё юзини кўрди. 2001 йили Б.Нодир томонидан “Санъат” нашриётида чоп этилган мазкур луғат нафақат шу даврда кўпроқ мурожаат қилинадиган атамаларни, балки халқ тилидаги турлича атамалар (алвон, арғувон, қирмизи, гулоби, нилоби, каптарбўйин, сарғиш, нилфом, норфом, кўкча, оқчил...) ва қадимги архаик атамалар (азрак, акхоб, кўхлий, байзо, обсун, шафақгун, хуний, фалфолий, утружий, усфурий, дамавий, қутий, ринд, сабзагун...)ни ҳам ўз ичига олган. Адабиётнинг юқоридаги китоблардан батафсилроқ эканлигини “Ч” ҳарфининг ўзида 35 га яқин миллий тасвирий санъат атамаларининг изоҳи акс этганини айтиб ўтиш кифоядир. Масалан,

ЧАККАДЎЗИ**ЧАКМОН****ЧАКМАТУР****ЧАМБАРАК****ЧАРХБЕЧА****ЧАЧВОН, ЧИММАТ****ЧИТ****ЧИМИЛДИҚ**

каби минтақамизнинг турли ҳудудларида қўлланиладиган амалий санъат атамаларининг изоҳлари луғатдан ўрин олган.

Албатта, санъат соҳасидаги адабиётларда йўл-йўлакай глоссарий, таянч тушунчалар тарзида тасвирий ва амалий санъат атамалари муаммоси ўзига хос тарзда ечилиб келган. А. Ҳакимов ва Э. Гульнинг ЮНЕСКО ваколатхонаси билан ҳамкорликда чоп этилган “Байсун – атлас художественных ремёсел”(31) номли китобида бир неча йўналишларга бўлинган 200га яқин халқ амалий ҳунармандчилигига оид атамаларнинг русча изоҳлари, Н.Норматовнинг рассом Рустам Худойбергенов ҳаёти ва ижодига бағишланган “Ранглар юртига йўл” номли асарларида 150га яқин замонавий тасвирий санъат атамалари(22)нинг

ўзбекча изоҳлари, Ч. Абдуллаева ва Ф. Тоированинг “English for art and design students II”(1) номли ўқув қўлланмасидан ўрин олган 350га яқин тасвирий санъат атамаларининг инглизча изоҳлари шулар жумласидандир. Бу атамларнинг аксарияти санъат соҳасининг турли йўналишларига бағишланган алоҳида-алоҳида ҳамда худудий жиҳати, йўналишлари (каштачилик, гиламдўзлик, рассомлик, ҳайкалтарошлик...), тури, техникаси, усули, этимологияси нуктаи назаридан фарқланадилар. Энди уларни тўплаб системага солиш, замон талаблари даражасида ҳар бирининг ўзбекча, русча ва инглизча изоҳлари билан, талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар ва шу соҳага қизиқувчилар учун мўлжалланган мукамал луғат-кўрсаткич тузишни давр тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаева Ч. Тоирова Ф. English for art and design students II. – Т.: Янги аср авлоди, 2014.
2. Аҳмедов Ғ. Русча-ўзбекча юридик атамалар луғати. – Т.: Адолат, 2002.
3. Аҳмедова М. М. Инглизча-ўзбекча-русча ботаника атамалари луғати. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Аъзамов А. Атмосфера физикасидан русча-ўзбекча атамалар луғати. – Т.: 2004.
5. Бекжонов Р.Б. Физикадан русча-ўзбекча атамалар луғати. 20000 га яқин сўз. – Т.: Ўқитувчи, 1991.
6. Биология атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати. Монография. – Т.: Фан, 1995.
7. Бобожонов Ш., Исломов И. Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиш ўқув луғати. – Т.: Янги аср авлоди. 2009.
8. Булатов С.С. Ганчкорлик, наққошлик ва ёғоч ўймакорлиги атамаларига оид изоҳли луғат. – Т.: Мехнат, 1991.
9. Бўриев Х. Биология атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати. – Т.: 1995.
10. Геология атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати. Ўзбекистон Республикаси атакуми. Тошкент давлат Техника университети. – Т.: Фан, 1994.
11. Дўстмуродов. Кимё атамалари луғати. – Т.: Ўзбекистон, 2003; Аҳмедов К.С. Кимё атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати. Монография. – Т. Фан, 1993.
12. Дўстмухаммедов Ж. Инглизча-ўзбекча-русча иқтисодиёт атамалари луғати. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
13. Замонавий она тили. Мавзулаштирилган луғат / Тузувчилар Б.Менглиев ва б. – Т.: Шарқ. 2011
14. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти атамаларининг русча-ўзбекча луғати. – Т.: Ёзувчи, 1994.
15. Маъдан геологияси атамаларининг қисқача изоҳли русча-ўзбекча луғати. – Т.: ГИДРОИНТЕО. 2002.
16. Менглиев Б., Бахриддинова Б. Ўзбек тилининг сўз таркиби ўқув луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2009.
17. Менглиев Б., Бойматова О., Худойбердиева М. Ўзбек тили иборалари ўқув луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2009.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. Монография. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар маркази. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
19. Мирабдулла ўғли Мирортиқ. Жўғрофий атамалар луғати. – Т.: 1992.

20. Мусаев Ш.М. Микробиология атамаларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Монография. – Т.: Фан, 1975.
21. Нодир Б. Тасвирий ва амалий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Т.: Санъат, 2001.
22. Норматов Н. Ранглар юртига йўл. – Т.: Ношир, 2013.
23. Норхўжаева Х. Ўзбек тилининг эскирган сўзлар ўқув луғати. – Т.: Янги аср авлоди. 2009.
24. Одам скелети суякларининг рентгеноанатомик атамалари. Монография. Т.: Ибн Сино, 1992.
25. Она тили. Қомус/ Тузувчилар: Менглиев Б. Холиёров Ў. Қодирова Х. – Т.: Янги аср авлоди. 2010.
26. Ортиқов А. Иқтисодий ҳуқуқ атамаларининг изоҳли луғати. – Т.: Гофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
27. Расулов А.А. Гидрология атамалари ва тушунчаларининг русча-ўзбекча луғати. – Т.: Университет. 1993.
28. Рашидов. Муҳандислик геологияси ва гидрология атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати. Монография. – Т.: Фан, 1995.
29. Умаров А., Аҳмедов М. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи. 1997.
30. Фармацевтик атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Мухаррир фалс. фан. номз. А.Б. Кабиров. – Т.: Зар қалам, 2004.
31. Ҳақимов А., Гуль Э. Байсун – атлас художественных ремёсел. – Т.: «PRINT-S», 2006.
32. Ҳамраева Ё. Ўзбек тилининг ўзлашма сўзлар ўқув луғати. – Т.: Янги аср авлоди. 2009.
33. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Академия, 2002.
34. Шукуров О., Бойматова Б. Ўзбек тилининг маънодош сўзлар ўқув луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2009.
35. Эргашев Т. Иқтисодий атамаларнинг ўзбекча-инглизча-русча луғати. – Т.: Шарқ, 2001.
36. Юридик атамалар қомусий луғати / Масъул муҳаррир Х.Р. Раҳмонкулов. – Т.: Шарқ, 2003.



Соҳиба АБДУЛЛАЕВА

филология фанлари номзоди, немис тили назарияси ва
амалиёти кафедраси мудири

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
sohiba2006@mail.ru

НЕМИС ТИЛИДА ПАССИВ ФЕЪЛ НИСБАТИ ВА УНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу мақола немис тилида пассив формаси ва унинг семантик хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, унда бу нисбатнинг формал структурал жиҳатлари ва унинг ифодаланиш формалари тўғрисида фикр юритилади. Муаллиф феъл семантикаси нисбат шаклларида амалга ошиши ҳамда субъект-объект муносабатларида ўз ифодасини топиши, синтактик конструкциялар ва уларни ташкил қилувчи структур компонентлар тил системасида коммуникатив функцияни, муносабатларни ифодалаш мумкинлиги тўғрисида сўз юритади.

Статья посвящена формам пассивного залога в немецком языке и их семантическим особенностям. Автор разбирает формальную структуру этого залога и его употребление. Также в статье рассматривается употребление в языковой системе на основе коммуникативной функции форм залога и выражение субъектно-объектных отношений в синтаксических конструкциях.

This article is devoted to the passive form and its semantic peculiarities in German language. The formal and structural features of this voice and its ways of expression will be discussed in this article. Moreover, appearance of the verb semantics in the forms of voice, its expression in the subject-object relations, syntactic constructions and its structural components of communicative function in the system of the language and their ways of expressions will be investigated.

Калит сўзлар: тилшунослик, пассив, тил структураси, субъект, объект, нисбат, феъл, феълнинг тугалланган тури, категория, конструкция.

Ключевые слова: языкознание, пассивный, языковая структура, субъект, объект, залог, глагол, перфектное значение, категория, конструкция.

Key words: linguistics, passive, language structure, subject, object, voice, verb, stative, category, construction.

Тилшуносликка оид бир қанча масалалар нафақат немис тилида, балки умумий тилшуносликда ҳам ҳозиргача кўпгина мунозараларга сабаб бўлиб

қолмоқда. Шундай баҳсли-муаммоли масалалардан бири феълнинг нисбат категориясидир. Маълумки, нисбат категорияси кишининг амалий ва билиш фаолиятида марказий ўринни эгаллайдиган субъект – объект муносабатларини ифодаловчи муҳим лисоний восита бўлиб хизмат қилади. Ушбу субъект-объект муносабатларини аниқлаш борасида кўпгина изланишлар амалга оширилди. Шундай бўлса-да, нисбат назариясининг асосий муаммолари бўйича баҳслар камайгани йўқ. Баҳсларга сабаб бўлаётган масалалар сирасига, жумладан, куйидагилар киради: нисбатнинг формал структураси унинг мазмун структурасига зид қўйилиши; нисбат зидланишида иштирок этадиган граммалар таркиби масаласи (айрим олимлар ушбу зидланишда фақат актив ва пассив иштирок этади дейишса, бошқалари бунга статив ҳамда рефлексив (ўзлик нисбати)ни ҳам киритишади); кўпгина ноаниқликлар нисбатнинг феъл ўтимлилиги/ўтимсизлиги, ўзлик ва шахсизлик ходисалари билан ўзаро муносабатида мавжуд.

Немис тилида феъл нисбати бўйича кўпгина тадқиқотлар амалга оширилган. Чунончи, герман тилларида нисбатларнинг оппозицияси тараққиётининг тарихий қиёсий жиҳатлари (Гухман, 1964), пассивнинг замон ва тус маънолари (Гулыга, 1944; Оберг, 1907), пассив ва статив оппозицияси (Шендельс, 1970; Букавин, 1965), ушбу конструкцияларнинг тилнинг турли услубларида қўлланиши ва вазифалари (Гречко, 1973; Эльмурадов, 1977), немис тилида нисбат категорияси ва нисбатлилик майдони (Шубик, 1989) каби масалалар ўрганиб чиқилган. Таъкидлаш керакки, барча тадқиқотчилар нисбат оппозициясида актив ва пассив конструкцияларни намунавий турлар деб ҳисоблайдилар.

Ушбу оппозиция аъзолари ўртасидаги характерли фарқ феълнинг нафақат ҳар хил морфологик шаклларида, балки турлича синтактик тузилишида намоён бўлади: актив конструкцияларда эга ишнинг ҳаракат субъекти маъносига, тўлдирувчи эса (воситасиз) объект маъносига эга бўлади; пассив конструкцияларда манзара аксинча, эга объект маъносига, (кўмакчили) тўлдирувчи эса субъект маъносига тўғри келади. Юқорида тилга олинган тадқиқотлар натижасида немис адабий тилида тавсифий ва тарихий планда пассив ва статив конструкцияларнинг қўлланиши ва функционалигининг умумий тенденциялари, шунингдек, пассив ва статив конструкцияларнинг қўлланишида айрим функционал услублар ўртасидаги баъзи фарқлар кўзга ташланади.

Тил системасида тил бирликлари унинг структурасини ташкил қилиб, ўз навбатида ушбу тил бирликлари ҳам муайян система ва структурага эга. Шу маънода феъл ва унинг категориялари ҳам тил системасида муҳим. Ушбу феъл

доирасида муайян система ва структурани ташкил этади. Албатта, муайян структурани белгилаш ушбу структурани ташкил қилган тил бирлигининг формал ва маъно жиҳатлари билан боғлиқ.

20-асрнинг 60-йилларигача тилшуносликда амалга оширилган аксарият ишларда тил birlikларининг, умуман ҳар қандай тил ҳодисасининг шаклий томонига катта эътибор бериларди. Тил ҳодисаларидаги шакл ва мазмун яхлитлиги масаласи дастлаб сўз туркумлари доирасида кечди. Илк тадқиқотларда сўзнинг маъносидаги ўзгаришларга, маъно кўчишидаги турли типларнинг таснифига эътибор кучайди. Бундай изланишлар орасида лексикада компонент таҳлил усули ўзининг бир қатор афзалликлари билан бошқа усуллардан кескин фарқ қилиб турди. Компонент таҳлил усули ёрдамида сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари (семантик майдонлар)ни аниқлаш имкони туғилди. Ушбу семантик майдон (лексик-семантик гуруҳ) муайян семантик компонент асосига қурилган бўлади. Чунончи, ҳаракатни ифодалайдиган феъллар “макондаги ҳаракат” асосий компоненти негизида бир семантик майдонга бирлашади; рангни ифодалайдиган семантик майдон “ранг” семантик компоненти асосида ёки қариндошлик терминлари ифодалайдиган семантик майдон “қардошлик” умумий семантик компоненти негизида бирлашади(1, б. 257). Шу тарзда В. Порциг, Г. Ипсен ва Й. Трир номлари билан боғлиқ семантик майдон назарияси асосига қурилган лексик семантика пайдо бўлди. Семантик таҳлил усули тарафдорлари ҳар қандай тилнинг лексикасини тилнинг система ҳосил қиладиган маъноли birlikлари йигиндиси тарзида тушунишади.

Лексика сатҳидаги бундай изланишлар аста-секинлик билан тилнинг бошқа сатҳларига кўча бошлади. Тилнинг турли сатҳлари birlikларини ўрганиш ушбу birlikларнинг минимал қисмларини аниқлашга имкон яратди. Бундай ишлар кўпроқ тил семантикасини, яъни тилнинг “мазмун плани”ни (Л. Ельмслев термини) ёки унинг маъно томонини тавсифлашга бағишланди. 20-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тил birlikлари семантикасини ўрганиш грамматик сатҳда ҳам кузатила бошланди. Бу борада В. Н. Данковнинг куйидаги сўзлари ибратлидир: сўнгги пайтларда тил категорияларининг мазмун томонига қизиқиш тобора ўсди; турли усуллар ёрдамида нисбат турларининг семантик-грамматик вазифаларини аниқлаш ҳаракатлари содир бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, нисбат турлари умумий ном-нисбат категорияси номи остида бирлашса-да, улар нафақат синтактик структуралари билан, балки функционал ўзига хослиги билан ҳам фарқ қиладди. Маълумки, яқин-яқингача “оппозицияда турган нисбат турларининг функционал томони масаласи феъл семантикасига етарлича аҳамият бермаслик асосида ҳал қилинди. Аслида, феъл

семантикаси нисбат шаклларида амалга ошади ҳамда субъект-объект муносабатларида ўз ифодасини топади”. Ушбу “синтактик конструкциялар ва уларни ташкил қилувчи структур компонентлар тил системасида у ёки бу мазмуний коммуникатив функцияни, борлиқдаги у ёки бу муносабатларни ифодалаш учун хизмат қилади”(2, б.5).

Биобарин, тил системасида ҳар қандай фактни таҳлил қилишда тадқиқотнинг мазмун, функционал-семантик аспекти биринчи даражали аҳамиятга эга. Шу боис тадқиқотларда тил ҳодисасининг мазмун плани бирламчи, ифода плани иккиламчи аҳамият касб этади, деб таъкидланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, бирламчи аҳамиятга эга бўлган мазмун планининг иккиламчи аҳамиятга эга бўлган ифода плани асосида ҳосил бўлишини унутмаслик лозим. Қуйида тилшуносликдаги шу ва бошқа қарашлардан келиб чиқиб феъл нисбатининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамыз.

Агар 1952 йилги академик “Грамматика”да мажҳул нисбатли конструкцияларда иш-ҳаракатнинг реал объекти бош келишиқдаги эга бўлиб, реал иш-ҳаракат бажарувчи эса предлогсиз “творительный” келишиқдаги тўлдирувчи вазифасида келади, деб таъкидланган бўлса, 1970 йилдаги “Грамматика”да мажҳул нисбатли конструкцияларда иш-ҳаракатнинг субъектга йўналтирилганлиги ифодаланади. Кўринадикки, икки даврда чоп этилган рус тили грамматикаси муаллифлари айнан бир конструкция –мажҳул нисбатга икки хил ёндашиб, бирида тадқиқотчи учун иш-ҳаракат объекти марказий ўринга чиқса, иккинчисида иш-ҳаракат субъекти муҳим ўрин тутуди, деб таъкидлашади. Феъл нисбатининг универсал назариясида ушбу категория “синтактик сатҳ бирликлари билан семантик сатҳ бирликлари ўртасидаги мосликларнинг доимий равишда феълда ифодаланиши” сифатида, “феълда грамматик жиҳатдан маркирланган диатеза” сифатида тавсифланади(3, б.13).

Таниқли германист М. М. Гухман фикрича, аниқ ва мажҳул нисбатли гаплар бир хил маъно ташийди(4, б. 20).

Бироқ нисбат турларидаги маъно бир хиллиги ғояси қатор етук тилшунослар, жумладан, В. С. Стоюнин, Н. П. Некрасов, К. С. Аксаков, А. А. Потеня, А. В. Попов, А. И. Томсон, Д. Н. Овсяника, Куликовский, А. Х. Востоков, Е. Курилович, С. Д. Кацнельсон ва бошқаларнинг қаршилигига учради. Уларнинг фикрича, мажҳул нисбатли конструкциялар тилда ўзига хос вазифа ташийди, улар ўз мазмунига кўра актив конструкциялар мазмунига ўхшаш эмас(5, б. 7).

Чунончи, рус тилида мажҳул нисбат икки шакл билан ифодаланади: сифатдош (причастие)ва -ся аффиксли шахсли феъллар. Ушбу мажҳул нисбат

шакллари категориал жиҳатдан бир-бири билан боғланган: уларда қандайдир умумий, ўзига хос белги мавжуд (6, б. 8). Айнан мана шу ўзига хослик мажхул нисбатни аниқ нисбатдан фарқлаб туради. Шу ўзига хос белги субъект-объект муносабатларида ўз ифодасини топади.

Қуйида тегишли нисбат конструкцияси (вазият)нинг тегишли (керакли) иштирокчи (актант)лари тўғрисида сўз юритамиз. Бу борада билдирилган фикрлардан айримларини келтирайлик. В. А. Успенский муайян феъл лексеманинг вазият иштирокчилари ёки семантик актантларининг керакли (тегишли, зарур) йиғиндисини аниқлашда нимага суяниш ҳақида саволни ўртага ташлаб, қуйидаги жавобни беради: тилдаги лексеманинг қўлланишини, унинг синтактик қуршовини кўриб чиқиш, ушбу қуршовларда лексема томонидан бошқариладиган сўзларни топиш-семантик актантларнинг ёки вазият (ситуация) иштирокчиларининг ифодаланишини топиш демакдир (7, б. 223 – 224).

Ушбу лексеманинг синтактик қуршови иштирокчиларига, биринчи навбатда, вазият субъекти ва объекти киради. Илк тадқиқотларда субъект қисқа маънода жонли шахсни билдирарди, кейинчалик кенг маънода ҳар қандай предметни англата бошлади. Кейинги ҳолатдаги субъект биринчи ҳолатдаги субъектнинг синтактик позицияларига туша олиши мумкин. Муаллиф фикрича, “Самолёт летит” гапи, “Птица летит”дан келиб чиққан, шу боис бу эрда “Самолёт” субъект вазифасини ўтаяпти(8, б.12).

С. Е. Яхонтов нисбат назарияси ҳақида гапириб, қуйидагиларни таъкидлайди: бир-биридан фарқланиб турувчи синтактик актантларнинг миқдори (сони) ва белгилари у ёки бу даражада ҳар бир муайян тилнинг хусусиятларига боғлиқ. Ҳар бир вазиятнинг семантик актантлари йиғиндиси тегишли феълнинг лексикографик талқини билан белгиланади. Одатда, дейди тадқиқотчи, феъл семантикаси талаб қилмайдиган сўзлар нисбат қурилмаларида иштирок этмайди.

Шундай қилиб, субъект ўзининг фаол ҳаракати билан аниқланади. Бу жонсиз субъектларга ҳам тааллуқли. Масалан: “Ветром сломало дерево” вазиятида “ветер” – субъект: объектнинг ўзгариши шамол ҳаракати туфайли содир бўлади.

Муаллиф объект масаласида, анъанавий тилшуносликдагидан фарқли равишда, ўзгача фикрга эга: воситасиз тўлдирувчи (прямое дополнение) ҳар доим ҳам объектни ифодалайвермайди. «Я копаю землю» ва «Я копаю яму» гапларидаги тўлдирувчига мос тушадиган актантлар реал борлиқ нуқтаи назаридан ўзаро ҳеч қандай умумийликка эга эмас: «яма» – объект эмас, балки ҳаракат натижасидир. Ёки: «Хуршида варит рис» – «Хуршида варит плов»

гапларида ҳам объект ва ҳаракат натижаси берилган. Ушбу гапларда «землю» – «яму»; «рис» – «плов» сўзлари грамматик шаклларига кўра объект деб ҳисобланса-да, маъноларига кўра фарқ қилади. Муаллиф ушбу актантиларнинг мазмунларидан келиб чиққан ҳолда грамматик шаклан бир хил сўзларга («землю» ва «рис» – объект, «яму» ва «плов» ҳаракат натижаси (результат) икки хил баҳо берган.

С. Е. Яхонтов субъект-объект муносабатлари ҳақидаги мулоҳазаларини ўзига хос талқин билан давом эттиради: одатда бир актанти феълларнинг ягона актанти субъект ҳисобланади. Лекин ҳамиша ҳам шундай эмас. «Упало дерево», «вода закипела», «звонит телефон» каби гапларда предмет ҳолатининг ўзгариши қандайдир четки сабаб (таъсир) туфайли содир бўлган, шунинг учун юқоридаги вазиятларда «дерево», «вода», «телефон» сўзларини субъектга эмас, балки объектга тенглаштиришга тўла асос бор. Муаллифнинг ўзлик конструкциялар ҳақидаги фикрига эътибор қаратайлик. Бу ерда ҳам шакл ва маънодаги номутаносиблик кўзга ташланади. Яъни: «Иван бреет бороду» ва «Иван бреется» гапларида иш-ҳаракат субъектга қаратилган, шу боис биринчи гап рефлексивга маъно жиҳатдан ўхшаш (9, б. 16 – 20).

Адабиётларда ҳатто шундай фикр ҳам борки, унга кўра, пассив активга нисбатан иккиламчи ҳодиса бўлиб, тил пассивсиз ҳам иш кўриши мумкин. Жумладан, эргатив конструкцияли тиллар, чунончи абхаз тили ҳақида сўз юритиб, С. Д. Кацнельсон шундай дейди: “Маълумки, пассив синтактик жиҳатдан активдан ясалган иккиламчи шаклдир. У тилда фақат активнинг трансформацияси сифатида мавжуд бўлиши мумкин ва уни активсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айни пайтда, актив бирламчи шакл сифатида пассивсиз ҳам яшай олмайди” (10, б.71).

Бизнингча, тил системасида актив билан бирга тенг ҳолда ҳукм суриб келаётган, тилнинг турли-туман ҳолатларини чиқараётган, аксарият тилшунослар томонидан тан олинган пассивга бундай субъектив баҳо унинг тил системасидаги мавқеига соя ташлай олмайди.

Аксарият тадқиқотларини винительный падеж – тушум келишигига бағишлаган А. В. Десницкая муайян позицияларда ушбу категорияни нисбат категорияси билан боғлайди. Хусусан, унинг фикрича, ушбу келишик воситасиз тўлдирувчининг шакли сифатида ўзида ўтимлилик-ўтимсизлик категорияларини, шунингдек, нисбат категориясини мужассамлаштиради. Бу уч категория (яъни тушум келишиги, феъллардаги ўтимлилик-ўтимсизлик ва нисбат) ягона грамматик қаторнинг таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади ҳамда улардан ҳар бирининг маъноси фақат бир-бири билан ўзаро алоқасида рўёбга чиқади. Анъанавий тилшуносликда бўлгани каби, бу ерда ҳам

винительный падеж – тушум келишиги, одатда, ўтимли феълларда қўлланган воситасиз тўлдирувчи сифатида қабул қилинади, яъни ўтимли феъл ўзидан кейин шу келишикдаги воситасиз тўлдирувчини талаб қилади ҳамда актив конструкцияли гапни пассив конструкцияли гапга айлантирганда, у (воситасиз тўлдирувчи) именительный падеж – бош келишикдаги эгага ўтади. Таъкидлаш жоизки, қадимги ҳинд-европа тилларида, хусусан, қадимги грек тилида винительный – тушум келишиги дастлаб икки маънони, яъни ҳол муносабатини ҳамда воситасиз тўлдирувчи маъносини англаган. Кейинчалик бу келишик фақат воситасиз тўлдирувчи вазифасини ўташга мослашган. Шу тарзда феълнинг бошқарув тизими вжудга келди. Шу билан параллел равишда мажхул нисбат категорияси шаклланди, бунда актив нисбатнинг воситасиз тўлдирувчиси пассив нисбатнинг эгасига айланиш манзараси ривож топди (11, б. 50).

Бундай манзарани, жумладан, шимолий герман-скандинав тилларида ҳам кўриш мумкин. Ушбу тилларнинг қадимги даврида тушум – винительный келишиги нафақат воситасиз тўлдирувчи (прямое дополнение) ни, балки ҳолни ифодалаган. Масалан, қадимги исланд тилида тушум келишиги ҳолнинг куйидаги кўринишларини ифодалашда хизмат қилган: йўналиш (алла вега – со всех сторон), замондаги давомийлик ва макон (ҳанн фор даг ок нотт – он ехал день и ночь) ёки кузатиб бориш шароитларини (беир сигла бйр годан ок бжарт ведр – они плывут при попутном ветре и ясной погоде) ва бошқалар. Кейинчалик сўзлар ўртасидаги муносабатларнинг дифференциал ҳолатда ифодалашни скандинав (исланд, дания, швед, норвег ва фарер) тилларида сўзлар ўртасидаги муносабатларни ифодалашнинг такомиллашган янги системасини вжудга келтирди (7, б. 184).

Юқорида масалалар таҳлили шуни кўрсатдики, немис тили системасида феълнинг учта тури – актив, пассив ва статив шакллари бор. Таъкидлаш жоизки, барча нисбат турлари тил системасида мустақил равишда мавжуд бўлиб, улар объектив муносабатлардан келиб чиққан ва улар асло бир-бирининг ҳосиласи эмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гухман М. М. Страдательный залог индоевропейских языков и проблема залоговой дифференциации // Труды ВИИЯ. – М., 1945, № 1.
2. Данков В. Н. Историческая грамматика русского языка. Выражение залоговых отношений у глагола. – М.: Высшая школа, 1981.
3. Десницкая А. В. Сравнительное языкознание и история языков. – Л.: Наука, 1984.
4. Кацнельсон С. Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972.


5. Кузнецов А. М. О применении метода компонентного анализа в лексике // Синхронно-сопоставительный анализ языков разных систем. – М.: Наука, 1971.
6. Падучева Е. В. О семантике синтаксиса. – М., 1974.
7. Стеблин-Каменский М. И. История скандинавских языков. – М. – Л.: Наука, 1953.
8. Успенский В. А. Замечания на полях статей И.А. Мельчука и А. А. Холодовича о понятии залога // Диатезы и залоги. Тезисы конференции «Структурно-типологические методы в синтаксисе разносистемных языков». – Л.: Наука, 1975.
9. Холодович А. А. Залог. Определение и исчисление // Категория залога. Материалы конференции. – Л., 1970.
10. Шубик С. А. Категория залога и поле залоговости в немецком языке. – Л.: Наука, 1989.
11. Яхонтов С. Е. Исходные понятия теории залога // Диатезы и залоги. Тезисы конференции «Структурно-типологические методы в синтаксисе разносистемных языков». – Л.: Наука, 1975.

**Дильфуза ТЕШАБАЕВА**

доктор филологических наук, доцент
заведующий кафедрой мировой литературы и
литературоведения

Узбекский государственный университет мировых языков

dilfuza_bonu@mail.ru

**Венера КАЮМОВА**

кандидат филологических наук, доцент

Узбекский государственный университет мировых языков

venerakayumova@mail.ru

СПЕЦИФИКА ЯЗЫКА ЗАМЕТКИ

Муаллифлар босма ОАВда янгиликларнинг лингвостилистик хусусиятларини кўриб чиқадилар. Тилнинг спецификаси ва ушбу жанрнинг услуби стандарт ва ифоданинг уйғунлигидан, ҳамда лаконизм ва объективлик сингари экстралингвистик белгилар таъсири остида ҳосил бўлади.

Авторы рассматривают лингвостилистические особенности новостей в печатных СМИ. Специфика языка и стиля этого жанра складывается из сочетания стандарта и экспрессии, а также под влиянием таких экстралингвистических признаков, как лаконизм и объективность передаваемой информации.

The authors investigate linguostylistic features of news in print media. The specificity of the language and style of the genre consists of a combination of standard and expression, as well as under the influence of extra-linguistic features as conciseness and objectivity.

Калит сўзлар: ОАВ тили ва услуги, босма, стандарт, экспрессия, тил даражалари.

Ключевые слова: язык и стиль СМИ, печать, стандарт, экспрессия, языковые уровни.

Key words: language and style of Mass Media, the press, standard, expression, language levels.

Заметка – это, как отмечал В. Ворошилов, простейшая форма оперативного сообщения, в основе которой лежит общественно значимый факт(1, с. 66). Заметка – основной жанр информационных агентств и лент новостей Интернет СМИ. В печатной периодике заметка является главным носителем новостной информации.

Основными структурными частями заметки является заголовок, подзаголовок, лид, основная часть.

Большинство новостных текстов строятся по принципу перевернутой пирамиды и отвечают на пять основных вопросов – формула «5w» в английской журналистике: Кто, Что, Где, Когда и Почему. Ответы на эти вопросы формируют концентрированное сообщение о происходящем или происшедшем. Принцип перевернутой пирамиды означает, что вся самая ценная и важная информация дается в начале текста, при этом основная информационная нагрузка приходится на первую фразу, которая фактически содержит все важнейшие компоненты сообщения в концентрированном виде.

По мере развертывания текста информационная нагрузка постепенно слабеет.

Текст информационной заметки включает в себя следующие типы информации.

Это передача собственно новости (по терминологии К. М. Накоряковой(2), ключевая новость), обозначение места, времени этой новости, источника информации (по К. М. Накоряковой, – уточняющая информация, которая всегда располагается рядом с ключевой). В хроникальной заметке обозначенная часть является основной. В некоторых случаях ее бывает достаточно для передачи информации.

Ключевая информация может быть распространена разного рода деталями (дополнительная информация). Кроме того, в новостном тексте (как правило, распространенном) непременно должна присутствовать нулевая информация, которая, разбавляя текст, делает его более легким для восприятия. Зачастую в распространенном тексте используется повторная информация, цель которой – напомнить об основной новости, но иными лексическими средствами, чем те, которые использовались до сих пор. Т. Г. Добросклонская,

характеризуя особенности различных каналов СМИ, при описании новостей обращает внимание на их формат. Понятие «формат», по Т. Г. Добросклонской, означает «устойчивое сочетание формальных признаков медиатекста с определенным содержанием». Так, «формат газеты предполагает соединение таких внешних признаков, как размер полосы, количество страниц, тематическая рубрикация, наличие иллюстраций, конкретное расположение материала на полосе, используемые шрифты и т.п. с определенным содержанием и стилем»(3). Прежде всего, обратим внимание на то, что хроникальная информация, как правило, располагается на первой полосе. Она носит обычно официальный строгий характер. Читатель привык находить ее на этом месте и заранее настроен на ее официальный стиль. Менее официальные новости располагаются обычно на последних полосах. Они посвящены неофициальной хронике и имеют более свободный стиль изложения.

Основу текста новостей составляют слова стилистически нейтральные. Однако в новостях можно выделить и несколько лексико-стилистических пластов.

Новости, как отмечают исследователи этого жанра, имеют широкую тематическую прикрепленность. Это сообщения из области политики, экономики, бизнеса, образования, культуры, спорта. Слова, употребляющиеся в соответствующих отраслях, используются в заметках, формируя тематическую основу текста. Эти слова придают заметке точность, строгость, ясность и лаконичность.

Кроме того, В. Г. Костомаров, писал о том, что стилеобразующими чертами языка газеты является «чередование стандарта и экспрессии». Под стандартными средствами понимаются такие слова и словосочетания, которые воспроизводятся в ежедневном журналистском творчестве: принять участие, состоялся брифинг, церемония подписания.

Информационная функция заметки осуществляется в первую очередь благодаря стандартным языковым единицам. Сами стандартные единицы формируют текст, который, во-первых, легко понимается благодаря однозначности и частой повторяемости стандартных единиц, и, во-вторых, такой текст пишется быстро в условиях ежедневного журналистского творчества.

Информация передается также и такими лингвистическими единицами, как имена собственные и имена числительные. Они также способствуют точности передачи информации, документальности. Например:

Хоким города Самарканд Акбар Шукуров и губернатор итальянской провинции Флоренция Андреа Бардуччи 26 января 2013 года подписали соглашение о дружбе и сотрудничестве.

Как сообщает издание Газета.уз, церемония подписания прошла в здании хокимията города Самарканд. В церемонии приняли участие делегация Италии и представители общественности Самарканда.

Хоким Акбар Шукуров выразил надежду, что соглашение будет способствовать налаживанию и укреплению отношений между Самаркандом и Флоренцией.

Губернатор Андреа Бардуччи отметил, что связь Флоренции и Самарканда — это идеальная связь Запада и Востока. Он добавил, что как Флоренция, так и Самарканд являются центрами мировой культуры, искусства и науки. «Наши два города находились на пересечении различных культур, объединяли народы и помогали им интегрироваться», — добавил он.

До сегодняшнего дня побратимами Самарканда были 10 городов. Это — Льеж (Бельгия), Лион (Франция), Лахор (Пакистан), Пловдив (Болгария), Рио-де-Жанейро (Бразилия), Банда-Ачех (Индонезия), Львов (Украина), Бремен (Германия), Красноярск и Самара (Россия).

Кроме того, официальность заметки может быть создана словами официально-делового стиля, словами-канцеляризмами: отбыть, соглашение, визит, подписание, заявление и т.д.

Достаточно часто журналист, создавая текст в этом жанре, пользуется фразеологизмами. Заметка вообще включает в себя большое количество устойчивых оборотов, в том числе и фразеологию разных стилей. Как правило, фразеологизмы лишены экспрессивной окраски. К группе фразеологизмов и клише, наиболее часто используемых в этом жанре, относятся: представители общественности, выразил надежду, будет способствовать укреплению отношений, мастера цирка, путь мира, на подъеме, по поводу, полная победа, приступил к созданию, сообщить о случившемся и др. В заметке используются фразеологизмы для более емкого и краткого выражения мысли автора.

Такой пласт лексики делает язык заметки сухим, но именно он способствует лаконичности и точности передачи информации.

Воздействующая функция существует благодаря экспрессивным элементам текста, которые в первую очередь создают оценку событий, явлений общественной жизни. Экспрессию могут создавать не только лексические средства, но и синтаксические. Среди лексических экспрессивных средств, прежде всего, качественные прилагательные и наречия; разного рода тропы — метафоры, метонимии, сравнения: уникальная, таинственная (находка),

огромный (размер), загадочное (место), «золотые» акробаты и т.п. Кроме того, в новостных текстах частотны существительные с положительной оценкой, прилагательные в превосходной степени или прилагательные с указанием на максимальную степень проявления признака: мощный (селевой поток), масштабные (работы), новый масштабный (проект), сильнейший (ураган) и т.п.

Специфика экспрессивной лексики в новостях – стандартизированный характер ее употребления. Например, слово «путь» в переносном значении чаще всего употребляется в таких словосочетаниях, как путь возникновения, путь преодоления, путь демократии, путь мира, путь войны.

Для выражения эмоциональной оценки служит просторечная и разговорная лексика (подстегнуть, нейметя, взвинтить). Исследователи данного жанра выделяют группу эпитетов, имеющих закрепленный за этим жанром характер: глубокая древность, горячий прием, впечатляющие события, успешно прошли и др.

Если же говорить о морфологических средствах новостей, то особенности этих текстов диктуют использование в качестве ключевых частей речи имена или глаголы.

Если в качестве способа изложения выбрано повествование, т.е. рассказ о событиях, которые уже произошли, то текстообразующими являются глаголы совершенного вида прошедшего времени. Особенность таких новостей – динамизм в изложении фактов, при этом активный залог предпочтительнее пассивного. Глаголы действия «... хороши тем, что обозначают движение, развитие темы. При помощи 10–15 глаголов в один абзац можно включить огромное количество событий. Существительные, напротив, повествование замедляют, и поэтому их нужно использовать как можно меньше. Особенно это относится к длинным официальным названиям, а также статичным описаниям»(1, с. 118).

